



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

4,7 МИЛЛИОНТА
АҲОЛИ ХОНАДОНИ
ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛИБ,
362 МИНГ ГЕКТАР
ТОМОРҚА ЕР МАЙДОНИГА
ЭКИНЛАР ЭКИЛДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
27 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№70
(2294)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

МОҲИЯТ

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ФУТБОЛ МАЙДОНИ БУЛАДИ



2025 йил
1 октябрдан
эътиборан
“Ҳар бир маҳал-
лада футбол
майдони” дастури
бошланади.

Бу ҳақда “Ўзбекистонда футбол соҳасини рақамлаштириш ва оммавийлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарориди сўз боради.

Дастур доирасида:
• маҳаллалардаги бўш турган давлат мулки объектлари (ер участкалари) уларнинг бир қисмида футбол майдони барпо этиш ва камиди 10 йил мобайнида унинг фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаслик шарти билан онлайн

аукционга чиқарилади;
• аукцион ғолибларига харид қилинган ер участкасининг қолган қисмидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ва тасаруф этиш ҳуқуқи берилади;

• аукционга чиқарилган ер участкалар 3 ой давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич 10 фоиздан, лекин кўпи билан 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ва сотиб олиш тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдоларга чиқарилади.
2025 йил ноябр ойи охиригача

давлатга тегишли футбол майдонлари ва стадионлари бўлмаган маҳаллаларда бўш турган ер участкалари хатловдан ўтказилиши керак. Хатлов натижалари бўйича аукционга чиқариладиган ер участкалари рўйхати шакллантирилади. Ҳокимлар 2025 йил декабр ойида маҳаллаларда футбол майдонларини барпо этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқлашлари лозим.

Мақтабларда ва маҳаллаларда ёш иқтидорларни аниқлаш мақсадида “Маҳалла лигаси” ва “Футболимиз келажаги сенинг қўлингда” мусобақалари ўтказилади.

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”

16 МИЛЛИОН КИШИ ОБОДЛИК ИШЛАРИГА БОШ ҚЎШДИ

“Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остидаги умумхалқ хайрия ҳашари ҳар йилгидан-да кўтаринки кайфиятда, ўзгача шуқуҳ ва уюшқоқлик билан ўтказилди.



Хашарда амалга ошириладиган ишлар “кўчабай” ҳамда кўп қаватли уйларда “хонадонбай” шакллантирилиб, “маҳалла еттилиги” аъзолари ва маҳалла фаоллари бириктирилди. Маҳалла раисларининг аҳолига мурожатлари йўлланди, кўчабошилар томонидан хонадонларга “хашар хабари” етказилди.

Хашар кунлари 152 минг 882 та кўча, 27 минг 452 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, 11 минг 724 та қабристон, 637 та зиёратгоҳ, 10 минг 817 та болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди, 34 минг 96 тоннадан зиёд чиқиндилар чиқариб ташланди. Биргина “Маҳалла сервис компаниялари” томонидан 3 мингдан ортиқ кўча, 4 мингта хонадон, 208 та қабристон обод қилинди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида 38 минг 112 та кам таъминланган оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди.

62 минг 416 та эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан, 27 минг 185 нафар ногирон ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича 381 та кўчанинг 230 километр қисми асфальт қилинди, 476 та кўчанинг 371 километrigа шағал ётқизилди, 246 километр ички йўللار таъмирланди. Бундан ташқари, хашар кунлари 95 та маҳалла идораси ҳамда 393 та ижтимоий ва маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 293 та маҳалла биноси ҳамда 1 213 та кам таъминланган оиланинг хонадонига кўёш панеллари ўрнатилди.

Умуман олганда, хашарда 16 миллиондан зиёд юртдошларимиз, шу жумладан, 11 миллион нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Эътиборли жиҳати, бу йил ҳашарга қорловда аҳоли вакиллари ўзлари фаоллик кўрсатди, халқни маҳалла ва кўчаларни обод қилишга қақиршиди.

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko‘zgusi” журнаliga
ОБУНА БОШЛАНДИ!

Ҳар икки нашримиз
2026 йил давомида
Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ,
ҳуқуқий маслаҳатчи ва
илғор тажрибалар майдони
ҳамда ошкора мулоқот
минбарига айланади.

**ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНУТМАНГ —
“MAHALLA”НИ ҲАР КУНИ ВА
ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС
ЎҚИШИ КЕРАК!**



Ҳа,
айтганча,
ҳар иккала
нашрнинг
обуна нархи
ўзгармаган.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92**

ЭЪТИРОФ

МУКОФОТ МУБОРАК!

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Эътиборлиси, мукофотланганлар орасида маҳалла раислари ҳам бор. Хусусан:

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан
Ғаниева Матлуба Махаммажановна — Андижон туманидаги “Орол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти;
“Дўстлик” ордени билан
Муҳамматова Дилбар Давроновна — Термиз туманидаги “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон раиси, Сурхондарё вилояти;

“Шуҳрат” медали билан
Мадатова Онара Жўрақуловна — Хатирчи туманидаги “Лангар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти;

Миноварходжаев Убайдулла Тахтаевич — Яшнобод туманидаги “Беҳизор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри;
Сулайманова Гулсима Бахитжановна — Мўйноқ туманидаги “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси.


Бу юксак эътироф маҳалла институтининг жамиятимиздаги беқиёс аҳамияти ва маҳалла раисларининг меҳнатига берилаётган муносиб баҳоdir. Мукофот соҳибларини самимий муборакбод этамиз!



**МАҲАЛЛАДА
ШУНЧАКИ ИШЛАБ
БЎЛМАЙДИ...**



**ЭЪТИБОР
ХАЁТГА РАҒБАТ
УЙҚОТДИ**



Иордания
Хошимийлар Подшоҳлиги
Подшоҳи Абдулла II
ибн ал-Хусайн
ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН
мамлакатимизда бўлди.



Давлатимиз
раҳбарининг тегишли
фармонларига кўра,
бир гуруҳ юртдошларимиз
МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ АРАФАСИДА
МУКОФОТЛАНДИ.



Президентимиз
САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ
ИМОМ БУХОРИЙ
МАҚБАРАСИДА олиб
борилаётган бунёдкорлик
ишларини кўздан кечирди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БОҒДОД ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳар бир хонадондаги муҳитни ўрганишга имконият яратилди

ТАЖРИБА

ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР ДАРОМАДНИНГ МАНБАИГА АЙЛАНГАН

Бугун маҳалламиз ишсизлик, камбағаллик, жиноятчиликдан холи ҳудуд. Айтишга осон, аммо бу натижага эришишнинг замирида тинимсиз меҳнат, изланиш, “еттилик” ходимларининг ҳамкорлиги ётибди. Аслида ҳам, маҳалла иши бир кишига боғлиқ эмас. Мисол учун, жиноятчиликни жiolовлашда профилактика инспектори билан, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳоким ёрдамчиси билан, ёшлар сиёсатини тўғри юритишда ёшлар етакчиси билан ҳамкорлик жуда муҳим.



Азизбек АБДУЛЛАЖОНОВ,
Боғдод туманидаги
“Чуваланчи” маҳалласи раиси.

Мана шу тарзда иш ташкил этилгани ютуқларимиз омили бўлмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш учун 25 та кузатув камераси ўрнатдик. Йил бошида 143 нафар ишсиз аниқланган эди. Уларга имтиёзли кредит ва субсидия берилиб, бандлиги таъминланди. 13 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 76 нафар эҳтиёжмандга узоқ муддат фойдаланиш учун ер берилди. 21 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилиб, имтиёзли кредит асосида бандлиги таъминланди. Йил бошидаги хатловда 83 нафар аёл рўйхатга олинган эди. Уларга имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлиги қўллаб-қувватланди. Бундан ташқари, оилавий корхоналарга бириктирилди.

Ўзгалхон Юсупова “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Унга 100 миллион сўм кредит берилди. Бу маблағ эвазига спорт-соғломлаштириш ҳавзаси ҳамда савдо хизмат кўрсатиш дўкони ташкил этди. Натижада 5 та иш ўрни яратилди.

“Ёшлар дафтари”даги Авазбек Набиев яқингача хорижда ишлаб келарди. Унга субсидия асосида кичик трактор ажратилди. Ҳозирда бу йигит маҳалладаги томорка ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиб, даромад топмоқда.



Комила Жакбарова имтиёзли кредит эвазига “Боғдод София 777” оилавий корхонаси очиб, 35 та янги иш ўрни яратди. У эҳтиёжманд аёллар билан касаначилик асосида иш олиб бормоқда. Йил бошидаги хатловда рўйхатга олинган аёлларнинг аксарияти шу оилавий корхонада ишли бўлди. Касаначилик асосида 50 дан ортиқ оилага ўзининг хомашёсини етказиб бериб, уларни ишлатмоқда. Хотин-қизлар, иш билан банд бўлмаган ёшлар шу орқали даромад кўрмоқда. Мавсумга қараб, ёнғоқ, мағизли холвалар тайёрланади. Унда ҳам ўндан зиёд уйда ўтирган кўни-қўшнилар бандлиги таъминланади, оиласига даромад киради.



“Иттифоқ” маҳалласида жойлашган спорт мажмуаси бир неча йиллардан буён таъмирталаб эди. Тадбиркор Дурбек Мирзанабиев ташаббуси билан 400 миллион сўм ўз маблағи ҳамда 280 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан бино таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Бу мажмуа нафақат ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда, балки туманда спортни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олимжон ҲОЗИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Боғдод тумани
бўлими бошлиғи.

Х а, англаганингиздек, туманда ёшлар билан ишлашга муҳим вазифа сифатида қаралади. Уларнинг хоҳиш-истагини ўрганиб бориш, интилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Маҳалла раислари ва ёшлар учрашуви” номили ташаббус йўлга қўйилган. Очиқ мулоқотларда ёшларнинг фикр-мулоҳазалари,

таклиф ва муаммолари тингланмоқда. Саъй-ҳаракатимиз натижасида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайди, ишсизлик қисқарди.

Бугун маҳалла фаолиятига баҳо берилса, биринчи навбатда, ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишлар ҳолати инобатга олинади. Яъни, ислохотлар натижасида маҳаллани баҳоловчи табиий мезонлар юзага келди. Шу сабабли бу масалалар “маҳалла еттилиги”нинг ҳар кунлик иш режасидан

ўрин олган. Камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, “Чекхитой” маҳалласида узумчиликка асос солиниб, рўйхатдаги оилаларга субсидия ажратилиб, улар учун сифатли сўритоклар ўрнатилди. Оилалар учун узоқ муддатли ва барқарор даромад манбаи яратилди. Бундан ташқари, “Асалари-чилик маркази” ташкил этилгач, янги иш ўринлари яратилди. “Олчин” маҳалласида яшовчи тадбиркор Абдувоҳид Убайдуллаев ўз маблағи ҳисобидан 1 ой муддатда 250 млн. сўм сарфлаб, катта йўл бўйида ушбу мажмуани куриб битказди.

Марказда 30 хилдан ошиқ табиий соф асал маҳсулоти, ари боқиш учун керакли барча ускуна ва қўлланмалар мавжуд. Мутахассислар доимий равишда миқдорларга ўз маслаҳат ва кўрсатмаларини бериб боради. “Олчин”даги



айрим оилалар асалнинг ўзидан 100 млн. сўм, асалари оиласини сотишдан эса 25 млн. сўмдан даромад топади. Энди бу тажриба туман миқёсида татбиқ этилмоқда.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, муаммоларга ечим топишда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси яхши самара бермоқда. Аҳоли бирлашиб, энг зарур тақлифларни қўллаб-қувватламоқда. Жорий йилнинг ўзида лойиҳанинг 1-мавсуми доирасида 8 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жами 24 км.дан ортиқ ички йўлни асфальтлаш тақлифи ғолиб чиқди. Бугунги кунга келиб, “Самандарак”, “Хўжақишлоқ”, “Бек-обод”, “Ирғоли”, “Дашт”, “Матқул-обод” ва Каримбобо номили маҳаллаларнинг ички кўчалари асфальтланди.

Аҳоли билан ишлашда “еттилик” ходимларига яратилган шароит муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Йилдан-йилга янги маҳалла биналари қурилиб, мавжуд и таъмирланмоқда. Жорий йил туманда 3 та маҳалла биноси қурилган бўлса, 6 таси таъмирланди.

“Қашқаримакай” маҳалла ходимлари яқингача эски, таъмирталаб бинода иш юритишарди. Шароитлар ҳаминкадар бўлгани учун мурожаатлар билан ишлаш мақтанарли эмасди. Жорий йил янги бино қад ростлади. Ушбу бинода “маҳалла еттилиги” учун барча шароит яратилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли кайфияти – ислохотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиши “Инсон кадри” тамойилининг узвий давоми сифатида ҳар бир хонадондаги муҳит билан яқиндан танишиш имкониятини бермоқда. “Маҳалла еттилиги” аҳолининг қизиқиши, хоҳиш-истаги ҳамда турмуш тарзини ўрганиб, юзага келган муаммоларга тез ғурсатда ечим топмоқда.

ИСЛОҲОТ

Шаҳардан қолишмайдиган шароитга эга бўлдик

Маҳалламиз туман марказидан 20-25 чақирим олисда жойлашган. Бу ерда яшаш осон эмас. Бундан 6 йил аввал маҳалла кўчалари жуда аянчли ҳолатда эди.



Абдумалик УЗОҚОВ,
Боғдод туманидаги Каримбобо
номили маҳалла раиси.

К ишда лой, ёзда чанг кўчалардан бир юрган одамнинг дили хира тортарди. Ичимлик сув узоқдан ташиб ичиларди. У ҳам истеъмолга яроқсиз ҳисобланарди. Вилоятдаги энг оғир маҳалла тоифасида эдик. 2019 йил чинакам ислохот нафаси кириб келди. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар бирин-кетин ҳал қилинди. Қишлоқ аҳолисининг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Давлат бюджетидан ўтган 6 йилда ҳудудни ободонлаштириш учун 13,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Табиийки,

бу ўзгаришлар қаторида янги маҳалла биноси бунёд этилгани “еттилик” ходимлари фаолияти самарадорлиги янада ошишига хизмат қилди. Маҳаллада тадбиркорлик кун сайин ривожланыпти. Ўтган 6 йилда 156 нафар фуқарога камбағалликдан чиқиши ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада тадбиркорлар сони 200 нафардан ортиб кетди. Илгари нари борса 20 нафарни ташкил этган.

Маҳалла “драйвери” — қалампир ҳамда супурги етиштириш. Ҳар бир хонадонда бу каби юмуш билан шуғулланаётганларни учратасиз. Асосий даромади бошқа ёки доимий иш жойига эга хонадон соҳиблари ҳам бўш вақтида қалампир майдалайди, супурги тайёрлайди.

Маҳаллага келсангиз, шаҳардан қолишмайдиган манзарага гувоҳ бўласиз. Муҳими, ҳудуд тинч. Жиноятчилик, ишсизлик, камбағаллик босқичма-босқич қисқармоқда.



“Mahalla”нинг бирор сони мутолаасиз қолмайди

Баҳодир МАДАЛИЕВ,
Боғдод туманидаги “Конизар” маҳалласи раиси:

— Бугун ахборот олувчи манбалар кўп. Уларнинг орасида газета алоҳида ажралиб туради. Чунки босма нашрлар инсонларнинг маънавиятини, саводхонлигини оширишга хизмат қилади. Биз маҳалла тизими ходимлари соҳага доир янгиликларни биринчи бўлиб, “Mahalla” газетасидан оламиз. Долзарб мақолалар орқали юртимиздаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлардан хабардор бўламиз. Газетадаги мақолаларнинг сермазмунлиги, руқнларнинг ноанъанавийлиги билан бошқа нашрлардан ажралаб туради.

Севишли нашримга обуна бўлганим учун бирор сони қолдирмай ўқиб бораман. Саҳифаларда берилган маълумотлар иш жараёнида жуда асқотади. Шу боис ҳар йили биринчилар қаторида обуна бўлам.



Нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият юритишига қаратилган ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Президент фармониға кўра, барча тоифадаги тадбиркорларга МЕҲМОНХОНА ҚУРИШ УЧУН КРЕДИТЛАР ажратилади.



СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА СУЊБҲҲЙ ИНТЕЛЛЕКТ технологияларини юрийи этиш бўйича Президент фармони имзоланди.

Mahalla

№70 | 2025 йил 27 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

3

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЯНГИ НАМАНГАН ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳар соҳадаги ташаббускорлик тараққиётга таянч бўлмоқда

Худуд раҳбари ислохотларни амалга кўчирмасе, айтилган гаплар қоғозда қолиб кетаверади. Одамлар ҳар бир ўзгаришни ўз тақдирида ҳис этиши лозим. Шу боис, туман маҳаллаларида “хонадонбай” иш ташкил этилиб, индивидуал ёндашув асосида муаммоларга ечим топилмоқда.

Авазхон ХҲҲАХОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюммаси Янги Наманган тумани бўлими бошлиғи.

Биринчи навбатда, ишсизликни қисқартиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун худудларнинг “ўсиш нуқтаси” ривожлантириляпти. Жумладан, томорқа-чилик ортидан кўп оила-ларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланмоқда. “Меҳнатобод” маҳалласи-



да гулчилик асосий “драйвер” ҳисобланиб, аксарият хона-донларда манзарали гул ясаш йўлга қўйилган. Иброҳимжон Жўраев оиласи шу ҳунар ортидан кунига 10 млн. сўмгача даромад топади. Дилшодбек Абдурахмонов 15 йилдан буён соҳанинг устасига айланган. Ҳозирда у 7 та иссиқхонада 60 мингдан зиёд гул парваришмоқда. Баҳор ва ёз фаслида 5-6 нафар ишчи ишласа, куз ва қишда бу рақам 20-25 нафар кишига етади. Ишчилар ойига 2-3 миллион сўм маош олиб, барқарор даромадга эга бўлмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, тадбиркор-

лик субъектлари сони ортиши ҳисобиға ишсизлик, камбағал-лик қисқармоқда, маҳалла-нинг ишлаб чиқариш салоҳи-яти ортмоқда. Тадбиркор Ҳафиз Парпиев ташаббуси билан “ZERO MAX TEXTILE” корхонаси ташкил этилиб, 12 та иш ўрни яратилди. Ҳозир 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, яна 2 та бўш иш ўрни мавжуд. Шу билан бирга, 10 нафар маҳаллий аҳолиға уй шароитида касаначилик асосида ишлаш имконияти берилган. “Янги замин” маҳалласида “PROGRESS FARM” масъуляти чекланган жамияти фаолият бошлаши натижасида ўн-

лаб иш ўринлари яратилди. “Соҳил” маҳалласи раиси ҳамда ҳоким ёрдамчиси та-шаббуси билан иш бошлаган корхонада мактаб ўқувчи-лари учун либос ҳамда махсус кийим ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада қўшни “Келажак тонги” маҳалласи хотин-қизлари ҳам шу ерда ишли бўлди. Уларнинг акса-рияти “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Субсидия асосида 30 та замонавий тикув машинаси олиб, ко-операция ташкил этилган, иш ўринлари сони 50 таға етди. Фаол ва ташаббускор ёшлар “Ишонч” маҳалласи-нинг ижтимоий-иқтисодий

тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Улар орасида Наманган давлат универси-тетининг 3-босқич талабаси, ихтирочи Роҳила Абдурах-монова алоҳида эътирофға лойиқ. У сувдан табиий газ ишлаб чиқариш бўйича инно-вацион лойиҳасини тақдим этиб, мутахассислар ва маҳал-лий раҳбарият эътиборини қозонди. Тадбиркор Ханифа Дадахонова кўрпа-тўшак тайёрлаш билан шугулланиб, ойига 3-4 миллион сўм даро-мад топмоқда. Хунарини 20 нафардан ортиқ аёлларға ҳам ўргатиб, уларнинг бандлигини таъминлашға ҳисса қўшмоқда.

“Келажак тонги” — энг ёш маҳаллалардан. Бир вақтлар Наманган шаҳрида олиб борилган ободонлаштириш ва бунёдкорликлар боис аҳоли-нинг маълум қисми шу худуд-ға кўчиб чиққан. Гарчи ин-фратузилма босқичма-босқич яхшиланиб борса-да, аҳолини кўплаб муаммолар қийнаб келарди. Бугун ободонлашти-риш ишлари сабабни барчаси ортда қолди. Йўллар созлан-ди, тоза ичимлик сув, электр, газ таъминоти яхшиланди. 7 км. масофаға янги сув тар-моғи тортилди. “Ишға марҳа-мат” моно маркази ташкил этилди. 6-Ҳасанобод кўчасида 300 метр кабел ер остига қўмилди, 30 та таянч устун ўрнатилди. Янги трансфор-матор қўйилди. Худуд бўйлаб жами 6 км. электр тармоқ тортилиб, 5 та трансформатор янгиланди.

Англаганингиздек, саъй-ҳаракатимиз орқали аҳоли-нинг турмушини фаровон бўлишиға, моддий манфаат-дорлиғи ошишиға эришяпмиз.

ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРДА АКС ЭТЯПТИ



Турдихон Усмонова ёлғиз оналиғи боис “Аёллар дафтари” рўйхатиға олинган эди. Аввалиға 1 та тикув машинаси билан иш бошлаган бўлса, имтиёзли кредит эвазига фаолиятини кенгайтирди.

Носиржон МИРАБДУЛЛАЕВ, Янги Наманган туманидаги “Мустақилликнинг 5 йиллиғи” маҳалласи раиси.

Тиришқоқлиғи, интилувчанлиғи кўл келиб, тикувчилик ортидан рўзгорини бутлаб, 5 та иш ўрни яратди. Бундан ташқари, хонадонида 5 та қорамол, 4 та қўй ҳамда парранда парваришмоқда. Рўзгор учун зарур сазавотлар ҳам томорқада етиштирилмоқда.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган-ларидек, “маҳалла еттилиғи” ва аҳоли ҳамкорлиғи натижаларда акс этмоқда. Ишламан, меҳнат қилиб, рўзгоримни бутлайман, деганлар Турдихон Усмо-нова каби имтиёзли кредит ва субсидия орқали яшаш шароитини яхшиламоқда. Айниқса, “драйвер” — узумчиликни ривожлантириш ортидан янги иш ўрин-лари яратилмоқда.



Худудда 1 330 та хонадон бўлса, уларнинг 70 фоизи томорқасида узум етиштиради. Ердан унумли фойдаланиш бўйича ноёб тажриба яратиб, ҳосилдор-ликни бир неча баробарға оширишға эришаётганлар кам эмас. Ток ораларига картошка, ловия, помидор, бодринг каби маҳсулотлар экиб, ҳар қарич ердан унумли фойдаланмоқда.



Хонадонлардаги 5-10 сотихли узумзордан ҳар йили 40-50 тоннагача ҳосил олинади. Аниқ рақамларда айтадиган бўлсак, узумчилик орқали 100 та иш ўрни яратилди.

Ўз навбатида инфратузилма яхши-ланиб бормоқда. “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида 3-Чархпалак кўча-сидаги 2,7 км. ички йўл асфальтланди. Саховат кўчасида сизими 4 минг кубли “Бўстон сув узатиш иншооти” барпо этилди. Аҳолининг тоза ичимлик сувға бўлган эҳтиёжи тўлақонли қондирилди. Аҳамиятлиси, дастур доирасида 128 метр масофадаги сув тармоғи янгиланди.


Ҳар аълочи ўқувчи рағбат ва совға олади

Анча йиллардан бери эътибордан четда қолган маҳалламиз қисқа вақтда обод ва кўркам масканға айланди.

Жобирхон АЛИХОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи раиси.

Президентимизнинг 2021 йил февраль ойида вилоятимизға ташрифи чоғида маҳалламизға келиб, одамлар учун зарур турмуш шароитларини яратиш бўйича берган топшириғи асосида маҳалла идора-си ва гузари қайта қурилди. Инфратузилма созланди.

Бу ўзгаришлар баробарида аҳолининг яшаш тарзи, иқтисодий, ижтимоий аҳволи яхшиланди. Жумладан, томорқадан самара-ли фойдаланиш йўлга қўйилди. Эндиликда хонадонларда иссиқхона ташкил этиш орқали лимон етиштириш оммалашмоқда. Бобгон кўчасида яшовчи Уктамжон Мирхўжаев хона-донидаги 20 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этиб, йилиға 10 тоннадан зиёд ҳосил олмоқда. Бу орқали 80 млн. сўм даромад қилмоқда. Лимон, мандарин ва киви етишти-



риб, эл дастурхониға етказмоқда. Шунингдек, хонадонида парваришлаётган 15 турдаги 100 тадан ортиқ ноёб қуш оила бюджетига қўшимча 40 млн. сўмдан зиёд даромад кел-тирмоқда. Ушбу кўчада лимончи хонадонлар сони 10 тадан ортди.

Маҳалла фаолларидан Анвар Ҳақимов 40 та яшиқда 85 та асалари оиласини парва-ришлаб, йилиға 250 килограммға яқин асал олади. Зухриддин Жамолхонов 60 сотихли иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириб, йиллик 200 млн. сўм даромад топмоқда.

Миграциядан қайтган Жаҳонғир Низом-боев тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Турмуш ўртоғи Муҳайё Ҳайитмирзаева билан автомашина учун қўшимча жиҳозлар тикиб, барқарор даромад манбаиға эга бўлди.

Маҳалла раиси халқни ортидан эргаштира олиши керак. Бунинг учун бир жойда тўхтаб қолмасдан янгилликка интиляпмиз. Мисол учун, жорий йил “Маҳалла раиси” стипендия-си ташкил қилиб, энг аълочи 5 нафар ўқув-чини рағбатлантириб боришни йўлга қўйди. Қолаверса, йил давомида 30 та китоб ўқиган ёшларға замонавий планшет совға қилмоқда-миз. Натижада йиллар давомида бирорта ўқувчимиз олий ўқув юртиға кирмаган бўлса, бугун 40 нафарға яқин талабамиз бор. Ижти-моий тармоқда саҳифа очиб, “Маҳалладан гапиримиз” номи рунк ташкил этдик.

МЕҲНАТГА БИРИНЧИ ҚАДАМ КАСБ-ҲУНАРДАН БОШЛАНАДИ

Бугунги ахборот технологиялари ривожланган даврда барча соҳалар рақамлаштирилмоқда. Бу эса хизмат кўрсатиш сифатини яхшиламоқда. Жорий йил туманда биринчилардан бўлиб, худудимиздаги табиий газ таъминоти “Ақлли маҳалла” тизимиға ўтказияпти.

Сожида ЖўРАЕВА, Янги Наманган тумани Абу Райхон Беруний номидаги маҳалла раиси.

Жалолиддин Мангуберди кўчасидаги газ тармоқлари тартибға келтирилди. Шунингдек, битта замонавий газ тақсимлаш пункт ўрнатилиб, 537 та хонадон икки босқичли тизимға уланди. Мазкур лойиҳа доирасида амалға оширилаётган ишлар жорий йил сентябрь ойига қадар якунланиши режалаштирилган.

Сир эмас, ташаббус бор жойда, ривожланиш, ўсиш бўлади. Шу маънода биз ҳам доимий равишда янгилликка интилиб ишлаймиз. Мисол учун, ўқув йили арафасида бир ташаббусға қўл урдик. Тадбиркор Зайниддин Зойитов “маҳалла еттилиғи” кўмағида “ZoiKan” номили янги савдо марказига асос солди. Мазкур марказ китоблар, офис ва мактаб ўқув қуроллари сав-доси йўлга қўйилган замонавий шохобча сифатида фаолият юритади. Аҳамиятлиси, савдо маркази ишға тушиши ҳисобиға 20 та янги иш ўрни яратилди.

“Меҳнатға биринчи қадам” дастури доирасида ўтказила-ётган ёшларни касб-хунарга йўналтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишға қаратилган тадбирни “етти-лик” ходимларининг навбатдаги ташаббуси, дейиш мумкин.



Жорий йилнинг ўзида 50 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилиб, 100 нафардан ортиқ фуқаро доимий даромад манбаиға эга бўлди. Дастур доирасида маҳалладаги сартарошхонада мак-таб ўқувчилари учун аҳолиға хизмат кўрсатиш йўналишида учрашув ташкил этилди.

Бўш ва қаровсиз турган кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмидан самарали фойдаланиш мақсадида 2 000 кв. метр майдон тадбиркорларға ижара асосида берилди. Бу орқали 100 дан ортиқ иш ўрни яратилди.



Президент фармони билан Ўзбекистон Республикаси ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ ташкил этилади.



Ўзбекистонда ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АГЕНТЛИГИ иш бошлайди.



Президент фармонига асосан, дори воситалари ва тиббий жиҳозларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШТИРИЛАДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕГЕЙЛИ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЯНГИЛАНИШ, ИМКОНИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН

КЎЗГУ

Ерга меҳр берсанг, рўзгорга файз киради

Маҳалла раиси лавозимида 3 йилдан бери фаолият юритиб келмоқдаман. Бугун 4 550 нафар фуқарога хизмат қилиш нафақат масъулият, балки катта ифтихордир. Бу йиллар давомида англадимки, маҳалланинг чинакам ўсиш нуқтаси, бу — одамларнинг меҳнатсеварлиги, фидойилиги ва ерни ризқ манбаи деб билган қалби тоза инсонларидир.



Баҳодир УТЕНИЯЗОВ, Кегейли туманидаги "Жылуан жап" маҳалласи раиси.

Худудимизнинг асосий таянчи, бу — боғдорчилик ва деҳқончилик. Ҳозирда 940 та хонадон томорқачилик билан шуғулланиб, қалампир, помидор, бодринг етиштириб, рўзгорини тебратмоқда. Кўпчилик паррандачилик билан шуғулланади. Қолаверса, узум ва олма етиштириш бўйича тажрибали деҳқонларимиз кўп. Масалан, Кувончбой Жалимбетов ўзининг атиги 4 сотихли томорқасида узум, олма ва анорни бирдек парваришлаб, ҳар йили мўл ҳосил оляпти.

Ўзим ҳам деҳқончиликни яхши кўраман. Боғимда шафтоли, ўрик, узум ва олма етиштираман. Ҳар бири ўзига яраша парвариш ва эътибор талаб қилади. Айниқса, нозик пайвандлаш жараёнида сабр ва билим керак. Аммо ҳосил берган дарахтнинг мевасини оила даврасида татиб кўриш — бу ҳар қандай меҳнатни оқлайди.

Маҳалламиз одамлари нафақат ўз оиласига, балки бошқаларга ҳам фойда келтиришни ўйлайди. Кўчат парваришлаб, уни кўшниларига бепул тарқатадиган, боғдорчилик сирлари билан бўлишадиган фуқаролар бор. Кўпчилик олманинг "Симиренко" ва "Беш юлдуз" навларини экади. Бу навлар, асосан, кузда пишади ва қишда бозорда энг харидорғир мевалар бўлади. Ўзим ҳам ҳар йили камиди 120 қути олма оламан, фарзандларим билан қишда роҳатини кўраимиз. Айрим юртдошларимиз 200 қутилаб сотган вақтлари ҳам бўлган.

Ўзумчилик бўйича тажриба алмашиб, Фарғонадан келтирилган навларни кўпайтиряпмиз. Худудимиз 87 гектардан иборат, янги аҳоли вакиллари ҳам кўчиб келмоқда. Кувонарлиси, улар ҳам бизнинг боғдорчилик фаолиятимизга қизиқиб, ўз ташаббуслари билан ҳаракат қила бошлашди. Ҳозирги кунда аҳолининг 70 фоизи томорқачилик билан шуғулланаётган бўлса, янги келганлар сони ортгани сари бу кўрсаткич янада ошиб бормоқда.

Эндиликда олдимида яна бир муҳим вазифа турибди — бу куз фаслида иссиқхоналарни кўпайтириш. Шунда йил давомида мўл ҳосил олиш, маҳсулот етиштириш мумкин бўлади. Аҳолига нафақат даромад манбаи, балки барқарор бандлик яратиш имконияти ҳам ошади.

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ҳар бир ислохотнинг марказида халқимиз турибди. Маҳалланинг аҳамияти нафақат маънавий-маърифий ҳаётимызда, балки давлат бошқарувида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асосий вазифамиз — аҳолининг дардига дармон бўлиш, муаммосини эшитиш ва энг муҳими, уни маҳалланинг ўзида ҳал этишдир.

Махсетбай ХОШАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Кегейли тумани бўлими бошлиғи.

"Маҳалла еттилиги" тизими жорий этилиши маҳаллаларни ишсизлик, жиноятчилик, оқлавий ажралиш, камбағаллик ва миграциядан холи ҳудудга айлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар бир "еттилик" вакили — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспектори бир оиладек иш олиб бормоқда.

Йиғинларда "Маҳалла бюджети" тизими йўлга қўйилгани, айниқса, халқимиз учун катта имкониятлар эшигини



очди. Солиқ тушумларининг 10 фоизи маҳалланинг ўзида қолмоқда. Шу маблағлар эвазига коммунал таъминот яхшиланмоқда, қуёш панеллари ўрнатиляпти, ичимлик сув тортиляпти. 2025 йилнинг олти ойи мобайнида туманда 394 миллион 890 минг сўмдан зиёд маблағ маҳаллалар ҳисоб-рақамига туширилиб, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга сарфланди. Шунинг билан маҳалла раислари сайлови тумандаги 16 та маҳаллада юқори савияда, очик ва ошқора ўтказилди. 47 нафар номзод

орасидан 13 нафар янги раис сайланди, 3 нафарига қайта ишонч билдирилди. Янгила-ниш, имконият ва жавобгарлик — мана шу сайловнинг асосий мезонлари бўлди.



Бугунги кунда барча 16 та маҳаллада "Рақамли маҳалла" тизими жорий этилган.

21 турдаги маълумотлар, жумладан, 1 142 нафар ишсиз фуқаронинг маълумотлари

"Омбор китоби" базасига киритилган. Шунингдек, "маҳалла еттилиги" аъзоларининг ишга келиб-кейтиши онлайн кузатиб борилмоқда. Бу тизим шаффофликни таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Маҳалла ижтимоий қўлаб-қувватлашнинг биринчи нуқтасига айланди. 16 та ижтимоий ходим томонидан 6 ой давомида 379 нафар эҳтиёжманд фуқарога 4 669 турдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатди. "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали 150 миллион сўмдан зиёд моддий кўмак ажратилди. Шунингдек, 683 нафар фуқаро даромадли

меҳнатга жалб қилинди, 482 нафарига махсус хизматлар кўрсатилди. 1 353 та оила камбағалликдан чиқарилди. Бу нафақат статистика, балки ҳар бир хонадонда қувонч, умид ва фаровонлик демакдир.

Маҳалла — халққа энг яқин тузилма. Унда халқнинг дарди бор, эҳтиёжи бор, орзу-умиди бор. Биз — Маҳаллалар уюшмаси раҳбарлари, "маҳалла еттилиги" ва маҳалладошлар билан биргаликда айнан шу дардга дармон бўлишга, ҳар бир муаммони жойида ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада 347 нафар кўчабоши бизга елкадош.

МАНЗИЛ

Самимий мулоқот самара келтиряпти

Фаолият бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, бугун елкамда катта масъулият борлигини чуқур ҳис этаман. Янги лавозимга сайланишимда одамларнинг ишончи ва қўлаб-қувватлови асосий куч бўлди. Албатта, ҳар қандай янги ишда дастлабки қадамларда қийинчилик бўлади. Аммо мен буни тўғри тизим, жамоанинг бирлиги ва одамлар билан самимий мулоқот туфайли осон енгиб ўтдим.



Баҳодир УТЕШОВ, Кегейли туманидаги "Нурли бўстон" маҳалласи раиси.

Маҳаллага келганимда ҳудуд "қизил тоифа"га киритилган эди. Бу эса жиноят хавфи юқори дегани. Аслида, жиноят маҳалламизда эмас, унинг чекка ҳудудида, бошқа одам-

лардан чиққан бўлса-да, худудимиз "жиноят якун топган жой" сифатида рўйхатга олинган. Бу ҳолат бизни ҳушёрликка ундади. Аввалдан бор бўлган 7 та кузатув камерасига яна 3 та қўшдик. Ҳар бир хонадонга хавфсизлик тугмаси ўрнатилди. Энди бирор нохуш ҳолат юз берса, 5-7 дақиқа ичида хавфсизлик ходимлари етиб келадиган бўлади. Бу эса одамларнинг кўнглини

анча хотиржам қилди.

Яна бир катта ютуғимиз — кўчаларимизни обод этиш бўйича қилган ишларимиздир. "Ташаббусли бюджет" орқали маблағ ютиб олиб, кўчаларимизни асфальт қилдик. Ҳозирда иккинчи мавсумда ҳам иштирок этапмиз. Агар яна ғолиб чиқадиган бўлсак, 2 800 метр кўчани қуёш энергияси билан ёритамиз. 8 та зич жойлашган кўчига замонавий, қуёшдан қувват олувчи тунги чирокларни ўрнатиш режамиз бор.

Бизнинг "драйвер" йўналишимиз — аҳолига хизмат кўрсатиш. Маҳалламиз туман марказига яқин жойлашгани учун турли хизмат турлари — ошхоналар, кийим-кечак дўконлари фаолият юритади. Айниқса, тадбиркорлик йўналишида катта силжишлар бўлди. Хусусан, Кувондик Қалимбетов раҳбарлик қилаётган мебель ишлаб чиқариш корхонасида 14 нафар фуқаро иш билан таъминланган, улардан 4 нафарида ногиронлик бор. Бу — чинакам инсонийлик намунаси. Маҳалламизда бу каби ишлаб чиқаришлар кўпаймоқда. Йил бошида 82 нафар ишсиз фуқарони ишга жалб қилган бўлсак, ҳозирда уларнинг фақат 30 нафари қолди. Йил охирига қадар уларнинг барчасини ишли қилишни мақсад қилганмиз.

Маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг томорқаси бор. Одамлар бодринг, бақлажон, помидор экиб, ўз эҳтиёжини ўзлари таъминлаб олишмоқда. Бу эса бозордан камроқ фойдаланишга имкон яратмоқда. Баъзи фуқаролар томорқаларида қуёш панелларини ўрнатишган. Авваллари субсидия эвазига бу анча қулай эди. Бугун эса субсидия ажратиш тўхтатилди, шу боис айни ишлар бироз секинлашди. Агар субсидия қайта тикланса, аҳоли учун катта қулайлик бўларди.

"МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?"

"MAHALLA" — МЕНИНГ КАСБИЙ КЎМАКЧИМ



Куронбой ЖАДИГЕРОВ, Кегейли туманидаги "Қуёшли" маҳалласи раиси:

— Маҳалла тизимида фаолият бошлаган илк кунларимдаёқ бир нарсани англаганман: бу соҳада муваффақиятга эришиш учун фақатгина ният эмас, балки мунтазам изланиш, ўрганиш, янгиликлардан бохабар бўлиш зарур. Шу йўлда менга биринчи кўмакчи бўлган нашрлар, бу — "Mahalla" газетаси ва "Mahalla ko'zgusi" журнали бўлди. Вақтим бўлиши билан уларни варақлайман, ўқиганим сайин тажриба орттираман.

"Mahalla" газетаси саҳифаларида ёритилаётган турфа тақдирлар, ҳаётий воқеалар, "еттилик" вакиллари амалий ишлари, оилавий низо-ларни бартараф этиш бўйича берилган тавсиялар нафақат касбий йўлимда, балки ҳаётда ҳам менга мактаб бўлди. Айниқса, ажралш ёқасига келиб қолган оилаларни яраттириш масаласида журнал орқали олинган маслаҳатлар ёрдамида қўлаб ёшлар бахтли ҳаёт сари қайтганини кўриб, бу нашрнинг чинакам ижтимоий аҳамиятини яна бир бор ҳис қиламан.

Ҳар икки нашр менга нафақат касбий малака, балки руҳий кўтаринчилик, илҳом ҳам беради. Шу сабаб, ҳар йили бу нашрларга биринчилар қаторида обуна бўлишни ўзимга одат қилганман. Зеро, ахборот замонида тўғри манба — тўғри қарорнинг кафолати. Бундай нашрлар биз, маҳалла мутахассислари учун энг керакли кўмакчи ва йўл кўрсатувчидир.



2025 йилдан ҳар икки йилда бир марта Бухоро шаҳрида ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ ўтказиб борилади.



2026 йилдан илк марта ҚҚС тўловига ўтган тадбиркорлар БИР ЙИЛ ДАВОМИДА ФОЙДА СОЛИФИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ.



Солиқ мажбуриятларини бажаришнинг “ПРОАКТИВ ТАРТИБИ” жорий этилади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚЎШКЎПИР ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Имконият ва шароитдан ҳар бир хонадон мамнун

Бугун Хоразм вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири – Қўшкўпир туманида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авжида. Туман марказининг меъморий қиёфаси замонавий ҳолатга келтирилиб, том маънода шаҳар кўринишини олаётир. Бу йил қўшкўпирликлар истиқлол байрамини чинакамига шаҳарликлардай нишонлашлари аниқ.

ТАДБИРКОРЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

ТАШАББУС

“Тегалак” маҳалласи туман марказидан 25 километр олисда – Туркменистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Йиғинда 1 114 та хонадон бўлиб, барчаси томорқачилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Умидбек ЙЎЛДОШЕВ,
Қўшкўпир туманидаги “Тегалак” маҳалласи раиси.

Хар бирида икки бошдан ўн бошгача қорамоли бор. Сут, қатиқ, сузма ўзларидан. Рўзгоридан ортганини сотишадди. Ҳар кун 500 литрдан ортиқ сут бир жойга жамлашиб, махсус машина ёрдамида туман марказига олиб кетилади. Маҳаллада томорқачилик ҳам яхши ривожланган. Ҳар бир хонадоннинг 4-8 сотихдан ери бўлиб, асосан, рўзгорбор сабзавот ва полиз маҳсулотлари екилади.

Энди тадбиркорлик соҳаси кенгаймоқда. Ҳозир 60 нафар тадбиркор савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланыпти. Тикувчилик соҳаси маҳалланинг янги “драйвери”га айланыпти. Маҳалла идорасида тикувчилик ва қандолатчилик ўқув маркази ташкил этилган. Шоира Бобоева раҳбарлик қилаётган ушбу марказда нафақат тегалак хотин-қизлар, балки қўшни маҳаллалардаги аёллар ҳам касб-хунарга ўқитилипти. Ўтган йилдан шу кунга қадар 160 нафар, шундан 90 нафари тегалак хотин-қизлар ўқитилиб, уларга сертификатлар топширилди. 31 нафар маҳалладошимиз субсидия асосида тикув машиналари олиб, ўзлари мустақил иш бошлади.



Улардан бири – Дилноза Эгмовадир. У хонадониди етти нафар шогирди билан бирга тикувчилик билан шуғулланыпти. Хозирда ўқув марказда қирқ нафар хотин-қиз тикувчилик қияпти. Буюртмадан ташқари тиккан маҳсулотларини ҳар пайшанба кун ибўладиган “Қўмбозор”да сотаяпти. Тўйбоп, совғабоп буюмларининг бозори анча чаққон.

Ҳозирда безак берувчи, совғабоп сунъий гул ясаш оммалашмоқда. Райхон Сотиболдиева шу йўналишда ўтказилган танловда вилоятда биринчи ўринни қўлга киритди. Унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун бўш турган бир бинони бердик. Айни пайтда 10 нафар шогирди билан турли хил гуллар ясаияпти. Маҳсулотларининг бозори чаққон, харидорлар уйдан келиб олиб кетишяпти.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиб, маҳалла идорасида фитнес клуб ташкил этдик. Бу ерда одамлар соғлигини тиклаш учун машғулот олиб боришяпти.

Қувонарлиси, маҳалла аҳолиси аҳил. Хашар йўли билан 3,5 километр газ қувурини таъмирладиқ, олтига кўчанинг бирини бетонлаган бўлсак, биттасини асфальт қилдик, учтасига шебен ётқиздик. Шунингдек, хашар ва ҳомийлик кўмағида “Нуразиз бобо” қабристонига олиб борувчи 1 800 метр йўлни асфальтладик.

Яқинда ўтказилган хашарда ҳам одамлар фаоллик кўрсатиб, олтига кўчада, “Нуразиз бобо” қабристонига ободонлаштириш ишларини бажарди. Иккита кам таъминланган оиланинг хонадонини таъмирладиқ.

Барча ишларимизни маҳалла нуронийлари ва фаоллар билан ҳамжихатликда олиб бораёғамиз. Ҳозир кишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш ёки бузиб, қайта қуришни маслаҳатлашяғамиз. Сентябрь ойида охириги кўчанимизни асфальтлашни бошлайғамиз.



Бугун одамлар ўз иши, даромадига эга. Ҳар бир маҳаллада тадбиркор ва ишбилармонлар шаклланыпти. Улар нафақат ўзини, балки атрофидаги кишиларнинг ҳам бандлигини таъминла-япти.



Бобуржон ҒАҲУРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Қўшкўпир тумани бўлими бошлиғи.

Қўшкўпир туманида 2024 йил 10 та куп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу йил уларнинг навбатдагиси, яъни 5 қаватли, 80 та хонадонга мўлжалланган 4 та уйнинг қалитлари ўз эгаларига тантанали тарзда тақдим этилди. Шу тариқа туманининг “Евғир” маҳалласига қарашли 32,8 гектар ҳудудда кичик шаҳарча, қўркам маҳалла бунёд этилди.

Бугун бу ерда яратилган шароит ва имкониятдан ҳар бир хонадон эгаси мамнун. Инобат Қўчқорова ҳам улардан бири. Олдин фарзандининг иш жойига келиш ва кетиш вақтида бир неча километр масофани босиб, уйларига боришларига

тўғри келар эди. Энди масофа ва вақт муаммоси оила аъзоларини қийнамайди. Улар мазкур массивда ўз хонадонига эга бўлди.

Янгича қиёфа, янги имкониятлар ва янгича турмушга асосланган “Янги Ўзбекистон” массивларида юрдошларимизнинг тинч ва осойишта, муаммолардан холи умргузаронлик қилишлари учун барча шароитлар мавжуд. Албатта, бу янгиланишлар юртимизда олиб борилаётган ислохотлар мевасидир.

Қувонарлиси, одамларнинг фаровон турмуш кечириши учун яратилаётган бундай қўлайликлар барча маҳаллаларда акс этяпти. Масалан, тумандаги чекка маҳаллалардан бири бўлган “Шихобод” маҳалласидаги ҳар бир кўча таъмирланди. Маҳалла ёшларининг футбол, волейбол, теннис каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун махсус майдончалар фойдаланишга топширилди.

Янгиланган манзиллардан яна бири – “Шихмашҳад” маҳалласидир. Бу ерда инсонларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Бугун кўпчилик ушбу маҳаллани “Хунармандлар маҳалласи”, деяр таърифлайди. Чунки бу ерда вилоятда етакчи бўлган уста-хунармандлар фаолият юритади. Шулардан бири – хунарманд Замира Жуманиёзова бошчилигида ташкил қилинган хунармандлар оиласи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу касб билан оиланинг барча аъзолари шуғулланади. Фарзандлар болалигидан ёғоч билан ишлашга ўргатилади. Асосий мақсад, боланинг ҳам илмий, ҳам хунарли бўлишини таъминлашдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса харидорғир.

“Шихмашҳад” маҳалласида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили амалда жорий қилинган. Жуманиё-

зовлар билан қўшни оилалар ҳам ёғочсозлик билан шуғулланиб, яхшигина даромадга эга бўлишяпти. Аксарият уйларга ёғоч билан ишлов берилгани ҳам маҳалланинг ўзига хос белгиси.

Бугун одамлар ўз иши, даромадига эга. Ҳар бир маҳаллада тадбиркор ва ишбилармонлар шаклланыпти. Улар нафақат ўзини, балки атрофидаги кишиларнинг ҳам бандлигини таъминлаяпти. Туманда “Ўзбекистон – Хитой технопарки”нинг ташкил этилиши эса яна юзлаб аҳоли ишли бўлишини ағналади.

Қўшкўпир туманидаги “Кенағас” маҳалласида истиқомат қилувчи Ўринбой Матжонов иссиқхоначилик фаолиятини 10 сотих ерда бошлаган. Ҳозирда 1 гектарга кенгайтирди. Уй томорқасида ташкил этган иссиқхонасида помидор, бодринг кўчатларини етиштиради. Даромади 70-80 миллион сўм. Дала томорқасидан эса 150-200 миллион сўм атрофида фойда кўряпти.

Кун икча “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия хашарида тумандаги барча маҳаллалар аҳолиси, ёшлар, нуронийлар ва ташкилот ходимлари биргаликда фаол иштирок этди. Шўбҳасиз, бундай саъй-ҳаракатлар маҳаллаларимизни янада обод, файзли ва қўркам қилиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Хашар ишлари давомида mahalla.ijgo.uz платформасига юкланган маълумотларга кўра, икки кунги умумхалқ хашари давомида туман маҳаллаларида 451 та кўча ободонлаштирилиб, 222 километр ариқ ва лотоклар, 58 та қабристон ва 4 та зиёратгоҳ тозаланди. 30 минг 773 та дарахтга ишлов берилиб, тағлар оқланди. Шунингдек, 47 та оиланинг 1 минг 508 метр квадрат уй-жойлари таъмирланди. 208 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди, шундан 51 нафари ногирон ва ёлғиз кексалар бўлиб, ҳомийлар томонидан 128 миллион 450 минг сўм тақдим этилди.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” узок йиллик кўлланмадир



Севара ОЧИЛОВА,
Янгибозор туманидаги
“Шоирлар” маҳалласи раиси:

– Узок йил маҳалла тизимида ишлаб келишимда “Mahalla” газетаси ва “Mahalla koʻzgusi” журналининг ҳам ўз ҳиссаси бор, десам адашмайман. Чунки ушбу нашрларни мутлоа қилиш жараёнида соҳамизга оид қарор ва фармон ҳамда қонунлардан тўлиқ хабардор бўляман. Қолаверса, республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимнинг иш тажрибаларини ўрганиб, маълумларини иш фаолиятида қўллайман.

Шу боис ҳозирданоқ кейинги йил учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla koʻzgusi” журнаliga обуна бўлдим.

ТАШАББУС

“Қадрият” да қадим қадриятлар қарор топган

Фаолиятимнинг дастлабки йилларидаёқ намунали, тажрибали, сўзи ўткир, оиласи тинч бўлган нуроний отахон ва онахонлар иштирокида “Маслаҳат кенгаши” тузганман. Бугун ҳар бир ишни ушбу кенгаш аъзолари маслаҳати билан амалга оширяман.

Ойибби ОРТИҚОВА,
Қўшкўпир туманидаги
“Қадрият” маҳалласи раиси.

Уч йилдики, маҳаллада жиноятчилик, оилавий ажралиш қайд этилмади. Бунинг асл сабаби – халқимиз билан “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро маслаҳатлашиб, иш олиб боришидир. Энг муҳими, одамлар даромад топишни ўрганди.

Бугун маҳалладаги 547 та хонадоннинг 95 фоизи чорвачилик, деҳқончилик, паррандачилик билан шуғулланыпти. Ҳар бирида 3-4 та қорамол, 5-6 та қўй, 20-30 та товуқ, курка бор. Сут-қатиқ, сузма, сариеғ, гушт, туҳум ўзларидан. Рўзгоридан ортганини сотишадди. Кунига бир тоннага яқин сут шартнома асосида туман марказига етказиб берилди.

Бирорта оила бозордан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олмайди. Барчаси томорқа ерларига сабзи, пиез, помидор,



бодринг каби сабзавот ва полиз экинлари экади. Сўнгги йилларда одамлар даромади яхши йўналиш ҳисобланган – қорамол, товуқ, ўрдақ, балиқ ва асалари боқишга алоҳида эътибор қаратишяпти.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Қаҳрамон Отаев боғдорчилик билан бирга, қорамол ва балиқчиликни ривожлантиряпти. Нодирбек Отаев чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик фаолиятини кенгайтиряпти. Оғабой Салаев эса асаларичилик билан шуғулланиб, уялар сонини ўттизга етказди.

Юртимизнинг барча ҳудудлари каби “Қадрият” маҳалласида ҳам бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари давом этяпти. Энг оғриқли нуқтамиз – “Зейёп” каналидан ўтган икки кўчамизни туташтирувчи таъмирталаб катта кўприкни ҳомийлар ва маҳалла аҳолиси кўмағида 350 миллион сўмга қайта қуриб, олти ойда фойдаланишга топширдик. Ёзда чанг, қишда лой бўладиган кўчаларимизнинг 15 километ-

ри асфальтланиб, 9 километр қисмига тош ва қум-шағал ётқизилди. Бу ишларда аҳоли бош ташаббус бўлиб, ўзлари қўшимча 2 километр йўлни хашар орқали шағаллаштирди. 480 хонадонга ичимлик сув тортилди. 40 та хонадонга табиий газ уланди. Маҳалланинг Қадрият, Ватанпарвар, Намуна, Юксалиш кўчаларига 4 та қўшимча трансформатор, 2,3 километр янги электр узатиш тармоғи, 45 та темир-бетон устун ўрнатилиб, электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Ободлик бор ерда қут-барака, фаровонлик бўлади, дейди халқимиз. Қадриятликлар ҳам ҳудуддаги ўзгаришлардан руҳланиб, маҳаллани янада обод манзилга айлантириш учун ҳаракат қияпти. Маҳалла номига монанд бу ерда одамларни ҳамжихатликка ундовчи қадим қадриятлар қарор топган. Ҳар бир хонадон, кўча ободонлаштириляпти. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, турли хил дарахт кўчатлари экиляпти. Ариқ-зовурлар тозаланди.



**ҲОМИЙЛИК
ХАЙРИЯ МАБЛАҒЛАРИНИ
ЙИҒИШ ТАРТИБИНИ
БУЗГАНЛИК** учун
БҲМнинг 7 бараваригача
микдорда жарима
белгиланди.



**Ўзбекистонда
илк бор фавқулодда
вазиятларда
ЭРТА ОГОҲЛАНТИРИШ
ТИЗИМИНИНГ
МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ
қабул қилинди.**



**15 июлдан
15 августгача
ўтказилган “ХАВФСИЗ
ВА СОҒЛОМ ЮРТ”
тадбирлари давомида
2 410 та жиноят иши
қўзғатилди.**

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
СЕРГЕЛИ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Инсон учун саховатдан азизроқ сифат йўқ

НИГОҲ

Бунёдкорлик бир лаҳза ҳам тўхтаб қолмаган

Қирқ йиллик ўрнимни ёшларга таълим-тарбия беришга бағишладим. Уқитиш, ўргатиш ҳаёт тарзимга айланиб қолгани учун фаолиятимни маҳаллада давом эттиришга қарор қилдим. Энди аҳоли вакиллари билан ишлаб, уларга йўл-йўриқ кўрсатяпман. Қийналганларнинг муаммоларини биргаликда ҳал қиляпмиз. Бир сўз билан айтганда, шу халқ дарди билан яшаяпман.



Фахридин АЗИМОВ,
Сергели туманидаги
“Юқори Дархон”
маҳалласи раиси.

Айни вақтда худудимизда етти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошларимизнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, чорвачилик, хунармандчилик йўналишларида банд. Тадбиркорларнинг кўпчилиги ўзининг ўқувчиларим. Шу боис уларнинг феъл-атворидан келиб чиқиб, бошлаган ишида муваффақиятга эришиши учун керакли тавсияларни бериб келяпман.

Даврон Рамазоновнинг мактабдаги баҳолари унчалик яхши эмасди. Лекин одоб-ахлокли, ўзидан катталарни ҳурмат қиладиган яхши бола эди. Орадан вақт ўтиб, кўплаб синфдошлари олий таълим муассасаларига киришди. У эса темирчи устага шоғирд бўлиб тушди. Иштиёқ билан хунар ўрганди. Бугун Даврон маҳалламизнинг йирик тадбиркорларидан бирига айланган. Профнастилдан тайёрланган маҳсулотлари элга жуда манзур. 28 нафар қариндош ва кўни-қўшниларининг бандлигини таъминлаган. Шоғирдлари эса мустақил равишда фаолият бошлаб, ўз бизнесини ривожлантиряпти. Доим шу йигит билан суҳбатлашсам, “Хунари бор, хор бўлмас”, деган нақл ёдимга тушади.

Шу каби ҳаракатчан тадбиркорлар кўмаги билан маҳалламизни обод масканга айлантириб келяпмиз. Хусусан, жорий йилда қўшни “Жўнарик” маҳалласи билан бизни боғлаб турадиган Салар канали устига қатта кўп-риқ куришга эришдик. У пийда ва автомобиллар учун мўлжалланганини ҳисобга олиб, энди алоҳида болалар йўлакчаси барпо этишни режалаштиряпмиз. Атрофда бочча ва мактаб

борлигини инобатга оладиган бўлсак, бунга эҳтиёж катта.

Бундан ташқари, 3 та ночор оиланинг уйлари таъмирдан чиқарилди. Том қисми янгиланиб, иккитадан кўшимча хона қуриб берилди. Яна бир нафарига тез кунларда ошхона қуриб беришни мўлжаллаб турибмиз.

Ташаббускор тадбиркорларимиз билан ҳамкорликда идорамиз олдидаги 4,5 сотихли ташландиқ ерда 136 миллион сўм қийматга эга волейбол ва футбол майдони қуришни режалаштирганмиз. Шунингдек, маҳалла бюджетидан 150 миллион сўм маблағ ажратиб, болалар майдончаси барпо этмоқчимиз. Шунда атрофдаги 6 та кўп қаватли уйда истиқомат қиладиган аҳоли вакилларига вақтини янада мазмунли ўтказишга шароит яратиб берган бўламиз. Бунёдкорлик ишларимиз шу билан чегараланиб қолмайди. Ноябрь ойига қадар 54-мактабгача таълим ташкилотиде бошланган қурилиш ишларини ниҳоясига етказиб, ишга туширамиз.

Олдимизда турган энг муҳим вазифа эса 12 та хонадон устидан ўтган юқори қувватли токни кўчага чиқаришдан иборат. Бунинг учун 30 та электр устунларга эҳтиёжimiz бор. Агар шу масалани ижобий ҳал қилсак, маҳалламиздаги муаммоларни тўлиқ барта-раф этган бўламиз.

Бугун маҳаллалардаги муаммоларга ечим топишда нурунийларнинг кўмаги бекиёс. Оилавий ажрашишларнинг олдини олиш, ёшларни муносиб тарбиялаш каби жиҳатларда уларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари тенгсиз аҳамият касб этади. Шу боис фаол кексаларни раёнтлантисак, юртимизнинг эътиборга молик гўшаларига саёхатларга олиб борсак жуда яхши бўларди.

Алишер ОРИПОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Сергели тумани бўлими
бошлиғи.

Маҳаллаларни айланиб, хонадонларга кирар эканмиз, биринчи навбатда, одамларнинг кайфиятини кўтаришга, руҳий ҳолатини ўргатишга ҳаракат қиламиз. Агар инсонга кўтаринкилик ҳамроҳ бўлса, янги ғоялар туғилади, режа ва мақсадлар сари одимлашни бошлайди. Шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда тушунлиққа тушиб қолган кишилар билан алоҳида ишлашга катта эътибор қаратилляпти.

“Қут-барака” маҳалласида

истиқомат қиладиган Доно Усмонова хонадони “Камбағал оилалар реестри”га киритилган эди. Улар билан бўлган суҳбат жараёнида камбағаллик сабаблари ўрганилди. Турмуш ўртоғи Ободонлаштириш бош бошқармасида ишлайди. 4 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Оиланинг даромади, муаммо ва тақлифлари, имконияти, тадбиркорлик қилиш ва турмуш шароитини яхшилаш бўйича фикр-мулоҳазаларини тингладик. Шундан сўнг уларни камбағалликдан фаровонликка ўтказиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи яна учта шу каби камбағал оилалар турмуш шароити ўрганилиб, уларнинг даромад топиш манбаларига эга бўлиши учун керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Имконияти чекланган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар ҳамда беморларга мурувват кўрсатиш, сидқидилдан бегараз ёрдам бериш каби фазилатлар қон-қонимизга сингиб кетган. Уламолар айтганидек, ақлнинг қадри одоб билан ошади, бойлик қадри – саховат билан. Сахийлик эзгуликни юксалтирувчи, демакки, дўстларнинг кўпайишига имкон яратувчи хусусият бўлиб, инсон учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ, ёқимли сифат йўқ.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

Яқин сирдош, беминнат маслакдош

Шўҳратбек ҲОШИМОВ,
Сергели туманидаги
“Мададкор” маҳалласи раиси:

— Кейинги йилларда интернет олами жадал ривожлангани сари газета ва журналларга обуна бўлиш ҳамда уларни мунтазам муталаа қилиш нисбатан су-сайгани айни ҳақиқат. Аммо барча давр ва замонларда бўлгани каби ҳар қандай синовларни мардонанор енгиб, эл-юрт қорига бевосита яраётган нашрлар, бу — муболағасиз “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали, деб ишонч билан айта оламиз.

Рукнларнинг ранг-баранглиги, мавзуларнинг хилма-хиллиги ўқувчини бефарқ



қолдирмайди. Таҳлилий мақолаларда кўтарилган масалаларнинг изчил ўрганилиб, кейин оммага тақдим этилиши менга манзур бўлмоқда. Зеро, бундай материалларни ўқигач, ортиқча саволларга ҳожат қолмайди.

Халқимиз дарди билан яшаб, ватандошларимизнинг оғрикли муаммоларини ушбу “адолат минбари”да журъат билан намоён этаётган ижодкорлардан миннатдор бўлиш ўринлидир.

Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган халқона ислохотларга камар-баста бўлаётган қадрли қаламкашларга омад тилаймиз. Бу йил ҳам яқин сирдошимизга, беминнат маслакдошимизга айланиб улгурган ушбу нашрларга, албатта, обуна бўламиз.

ЛАВҲА

МАҲАЛЛАДА ШУНЧАКИ ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ...

Маҳалла ҳақида нималарни биласиз? Унда фаолият юритаётган ходимлар ҳақида-чи? Эҳтимол, кўз олдингизда эрталаб идорага келиб, хат-ҳужжатлар тўлдирётган, кўча айланиб юрган киши қиёфаси гавдалангандир...

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА,
Сергели туманидаги
“Меҳриғиё” маҳалласи раиси.

Бир қарашда уларнинг юмуши камдек туюлар сизга. Лекин кириб чиққан ҳар бир хонадонининг дардини юрагидан ўтказиши, ажралиш ёқасида турган оилани сақлаб қолиш учун ҳаловатидан кечиши мумкинлигини ҳам биласизми?

Тўнлари бошини ёстиққа қўйганда, хаёлан фарзандининг эмас, маҳалласидаги камбағал оиланинг тақдирини ўйлаб ўйкуга кетишини-чи... Гапирадиган бўлсак, гап кўп. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллада ишлаётган ҳар бир ходим ўз манфаатларидан кўра, халқниқини устун қўйган фидойи инсон демек.

Маҳалла тизимидаги етти йиллик фаолиятим давомида шу хулосага келдим. Бу ерда шунчаки ишлаб бўлмайди. Бутун вужудингизни бахшида қилмасангиз, ҳеч қандай натижага эриша олмаслигингиз аниқ.



Айни вақтда худудимизда истиқомат қиляётган 6 017 нафар фуқаронинг тақдирини, турмуш шароити мен учун энг муҳим масала. Айниқса, қийналиб қолган, ночор оила вакиллари доимий эътибор марказимизда. Жорий йил бошида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 20 дан ортиқ хонадон билан тизимли ва аниқ режалар асосида иш олиб боришимиз натижасида уларнинг 15 тасини фаровонлик сари етакладик. 45 та кам таъминланган оиладан эса 24 таси қолди, холос. 61 нафар ишсиз фуқаронинг 54 нафари турили соҳаларда фаолият юритапти. 7 нафарини эса касб-хунар ўрганишга жалб қилганмиз. Ҳаракатларни янада жадаллаштириб, маҳалламизни камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантирмоқчимиз.

Аслида, инсоннинг қандай яшаши кўп жиҳатдан ўзига боғлиқ. “Камбағалман, ёрдам керак”, деб ўтираверса, бири икки бўлмаслиги турган гап. Уйларимиз кўп қаватли бинолардан иборат бўлгани учун даромад келиб турадиган томорқа йўқ. Лекин ҳар ойда коммунал тўловларни амалга оширишга тўғри келади. Баъзан ишсизларга қардадир фаолият юртишни тақлиф қилсак, маоши кам экан, деб унамайди. Шундай вақтда барчаси кичик қадамлардан бошланишини тушунтирамиз.



Тошкент
вилоятидаги
Заркент қишлоғида
“УЗУМ САЙЛИ”
ХАЛҚАРО
ФЕСТИВАЛИ
бўлиб ўтди.



Хорижий
иш берувчилардан
5 МИЛЛИОН
950 МИНГ ДОЛЛАРДАН
ЗИЁД ИШ ҲАҚИ
ва бошқа пуллар
ундирилган.



“ЖАНУБИЙ
СУРХОН
СУВ ОМБОРИ”
худудида йирик
замонавий экотуризм
мажмуаси
қурилади.

Mahalla

№70 | 2025 йил 27 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

7

БУХОРО
ВИЛОЯТИ
КОГОН
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Фаровон ҳаёт ободлик ва бунёдкорликдан бошланади

ДАРОМАД МАНБАИ

ТОМОРҚА БИЛАН “ТИЛЛАШИБ”, АСЛО КАМ БЎЛМАДИК

Бугун кўплаб когонликлар томорқадан унумли фойдаланиб, дастурхон тўқинлигини таъминлаш, сархил, сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича катта тажриба тўплаган.

Бахшилло БОҚИЕВ,
Когон туманидаги
Баҳоуддин Нақшбанд номидаги
маҳалла раиси.

Бу борадаги ишларни маҳаллаимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни вақтда мингдан ошiq хонадонда жами беш минг нафардан ортиқ аҳоли вакили истиқомат қилмоқда. Маҳалланинг асосий трикичилик манбаи, яъни “драйвери” — иссиқхона ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этади.

Маҳаллаимизнинг меҳнатсевар ва томорқа билан “тиллашадиган” оилаларидан бири Тешаевлар хонадонидир. Миришкорлар кўп йилдирки, ўз томорқа еридаги 25 сотихдан иборат иссиқхонасидан самарали фойдаланган ҳолда ҳар йили помидор, бодринг, картошка, бақлажон, бўлғор қалампири каби екнлардан яхши даромад топиб келяпти.



— Деҳқон фарзанди эмасмизми, томорқа бизга берилган имконият, уни хор қилсак, “қосамиз оқармаслиги” тайин. Шу боис, оиламизда ким қайси касб-корда ишламасин, албатта, меҳнат қилиб, ҳосил етиштиришга иштиёқимиз баланд, — дейди хонадон соҳиби Нуриддин Тешаев. — Эрта тонгдан ишни айнан томорқадан бошлаб ўрганганмиз. Пешона терини тўкиб, ерга меҳр бериб, кам бўлмадик. Ўз ўрнида, давлатимиз яратган имкониятлардан фойдаланиб, бугун унинг натижасини ҳосил даромадда кўряпмиз.

Иссиқхонадан бир мавсумда 10 тоннага етказиб помидор ҳосилини йиғиштириб олган Тешаевлар оиласи, албатта, меҳнатига яраша яхшигина манфаатдор бўлди. Шу билан бирга, алмашлаб экишда бақлажондан мўл ҳосил етиштириб, ички бозорга сара маҳсулот чиқарди. Йил бошидан картошка, кеч кузда турли кўкатлар, саримсоқпиез экиб етиштирилаётган хўжалик фаолияти таҳсинга лойиқ. Зеро, оилаларни бой ва дастурхонини тўқин қилишнинг бирдан-бир йўли ҳалол меҳнат, ҳаракат ва изланишдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда оилалар моддий манфаатдорлигини ошириш, кам таъминланган хонадонларда даромад манбаини яратиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ночор ва камхарж оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилаётгани ўз самарасини бермоқда. Бу йўлда кам даромадли, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хонадон вакиллариغا зарур меҳнат дастгоҳлари, асбоб-ускуналар олиб берилаётгани айни мурдао бўляпти.

Бу эҳтиёжманд оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларига ўз қизиқиши ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мотокультуватор, қўлида хунари бўлатуриб уйда ишсиз қолганларга замонавий тикув машинаси, пишириқ пишириш учун печь каби зарур ускуналар олиб бериляпти. Муҳими, энди бу имкониятга эга бўлган фуқаролар ўзлари яққа тартибда даромадли иш билан шуғулланиб, меҳнатлари эвазига моддий манфаат топиб, рўзгорининг кам-кўстини ўнгляпти.

Маҳалла – тарбия ўчоғи, эзгулик бешиги. У меҳр-оқибат, миллий қадриятлар ва урф-одатларни аجدодлардан авлодларга етказувчи маънавият ўчоғидир. Шу ҳақиқатни теран англаган ҳолда бугун унинг ривожини ва гуллаб яшнаши учун ҳаракат қиляпмиз.

Жалил ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Когон тумани бўлими бошлиғи.

Бунинг учун, биринчи навбатда, тумандаги ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларга талаб даражасида фаолият юритиши учун зарур қулайлик ва шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Тобора яқинлашиб келаётган Му-стақиллигимизнинг 34 йиллиғи ара-фасида “Сараён” маҳалласи маркази биноси фойдаланишга топширилгани “еттилик” ҳамда ҳудуд аҳолиси учун қўшалоқ байрам бўлди. Янги қурилган бинода “еттилик”нинг барча ходимлари учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий моддий-техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланган. Қолаверса, мазкур кўркам иншоот уч қават ҳамда ертўла қисмидан иборат бўлиб, ундан аёллар ва эркаклар учун алоҳида сартарошхона ва савдо дўкони, ўкув марказлари ўрин олган. Бундан ташқари, фитнес зали, тикув цехи, ки-йимларни кимёвий тозалаш хонаси ва ёшлар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун “IT” маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Айни кунда тумандаги 23 та маҳалланинг барчасини, аввало, қулай шарт-шароитга эга маъмурий бино билан таъминлаш, таъмирталаб иншо-отларни қайта қуриш ёки мукаммал янгилаш саъй-ҳаракати изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай эзгу ишлардан бири Ниёзхожи номидаги маҳаллада амалга оширилди. Хусусан, маҳалла маъмурияти кўп йиллардан буён эски, аллақачон хизматини ўтаб бўлган би-нода фаолият юритаётган эди. Аҳоли



Бугун халқ хўжалигининг турли тармоқларида олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни Когон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти мисо-лида ҳам кўриш мумкин.

учун қулай шарт-шароит яратиш, қолаверса, “маҳалла еттилиги” иш унумдорлигини ошириш мақсадида моҳир қурувчилар томо-нидан умумий қиймати 2 миллиард 146 миллион сўмга яқин маблагъ эвазига барча қулайликларга эга замонавий Ниёзхо-жи номидаги маҳалла биноси бунёд этилиб, талаб даражасида жиҳозланди.

Юртимизда ободончилик, бунёдкорлик ишлари ҳаторида йўл қуриш, мавжуд йўл-ларни таъмирлашдек хайрли ишга эътибор кучайгани, айниса, чекка қишлоқларда ҳам ижтимоий инфратузилмаларни ривожлан-

тириш борасида олиб борилаётган кўплаб амалий ишлар барчани бирдек мамнун қилмоқда.

Бу борада Когон туманида ҳам тизим-ли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуднинг “Нурафшон” маҳалласидаги катта йўлнинг 860 метр қисми ҳамда “Геофизика” маҳалласидаги 650 метр қисми асфальт-лаштирилди. Кўп йиллардан буён ўнқир-чўнқир бўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётган ушбу муаммолар бугунги кунда ўз ечимини топаётганидан аҳоли жуда мамнун бўлмоқда.

МАНЗАРА

Мақсадимиз аниқ, йўлимиз равон

Мана, уч йилдирки, маҳалла тизимида фаолият юритиб келяпман. Шу давр мобайнида “еттилик” вакиллари билан бирга аҳолининг томорқа экин майдонларидан самарали фойдаланиши, ҳудудни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, ижтимоий ғимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб бориляпти.



Нозимжон ҲАЙДАРОВ,
Когон туманидаги
“Ўба қўли” маҳалласи
раиси.

Тарбияси оғир, ишсиз, профилактик ҳисобда турувчи, маънавий кўмакка муҳтож ёшларга “Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул” лойиҳаси асосида ўз йўлини топиши учун кўмакла-шиб келяпмиз.

Маҳаллани ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақ-садида йиғиндаги камбағал ва эҳтиёжманд оилаларни

аниқлаб, биринчи галда, улар-нинг бу аҳволга тушиб қолиш сабабларини ўргандик. Муам-мони бартараф этиш учун кам-бағалликдан чиқариш бўйича “Йўл харита”си ишлаб чиқилди. 47 та ночор оилага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Туман ва вилоятдан раҳбарлар бириктирилди. Томорқадан са-марали фойдаланиб, экспорт-боп маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Маҳалладаги ишсиз, доимий даромадга эга бўлма-ган фуқароларга мавжуд бўш иш ўринлари таклиф этилиб, бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, тадбир-

корлик билан шуғулланиш истағида бўлган фуқароларга 1,5 миллиарддан ортиқ имтиёзли кредит берилди. Ҳозирги кунда маҳалланинг 112 нафар ишсиз фуқаросига дала томорқа ери ажратилган. Маҳаллада 62 тадан ортиқ аҳоли хонадонларига иссиқ-хона қуриб бердик. Шу тариқа маҳаллаимиз камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Маҳаллада сергакликни таъминлаш мақсадида жамоат жойлари, савдо объектлари ва хонадонларга жами 165 та кузатув камералари ўрнатил-ган. Маҳаллада ажрашиш ва жиноятчиликни олдини олиш мақсадида ҳар бир қишлоқда мунтазам равишда оқсоқоллар ва отинойилар билан ҳамкор-ликда йиғилишлар ўтказиб келяпмиз. Бунинг натижаси ўлароқ, жорий йил бошидан буён ҳудудимизда бирорта ажрашиш ва жиноятчилик содир этилмади.

Ҳар ойда “еттилик” хо-димлари ва ҳомийлар кўмағи билан иккита кам таъминлан-ган оила хонадонини ҳашар йўли билан таъмирдан чиқариб бериляпти. Бу хайрли аъёна самарасида қанчадан-қанча инсонларнинг яшаш шаро-итини яхшилашга эришяпмиз. Қолаверса, одамлар орасидаги меҳр-мурувват ришталари мустаҳкамланыпти.

КЎМАК

Эътибор ҳаётга рағбат уйғотди

Маҳаллаимизда 5 500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимизда фаолият юритаётган ижтимоий ходим Муҳаббат Маъмурова томонидан ногиронлиги бўлган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ва бошқа ёрдамга муҳтож шахсларнинг ҳолати мунтазам ўрганиб борилади.



Ақром ЎРУНОВ,
Когон туманидаги
“Хўжаякшава” маҳалласи
раиси.

Бугунги кунга келиб, 88 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинди. Ижтимоий хо-дим эҳтиёжманд аҳоли мурожаатлари юзасидан 70 та кейс очди. Мазкур кейсларнинг 70 фои-зи ижобий якунланиб, фуқароларнинг яшаш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди. Шундай фуқаролардан

бири — II гуруҳ ногиронлиги бўлган Самия Тўева. Унга кўплаб йўналишларда ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Хозирда у тикувчилик билан шуғулланиб, ўз меҳнати орқали оиласининг даромадига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу каби мисоллар “Хўжаякшава” маҳалласида олиб борилаётган ижтимоий қўл-лаб-қувватлаш ишлари инсонларнинг ҳаётида аниқ ва ижобий ўзгаришлар қилаётганини яққол кўрсатади.

Ижтимоий ходимлар ташаббуси, давлат ва жамғармалар кў-мағида амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар келгусида янада кўпроқ фуқароларнинг ҳаётига барқарорлик ва фаровон-лик олиб келишига ишончимиз комил.



Президент қарори-га кўра, “Миллий ФУТБОЛ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОР-МАСИ” ахборот тизими яра-тилади.



2026 йил 1 мартдан ФУТБОЛ ҲАРИД ҚИЛИШДА шахс идентификация қилинади.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида “ЛЕГИОНЕРЛАР КЛУБИ” фаолияти йўлга қўйилади



8

№70 | 2025 йил 27 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

СОХТА КОСМЕТОЛОГЛАР ХИЗМАТИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқлар ёки айрим гўзаллик салонлари пешлавҳаларида аёллар сартарошхонаси, маникюр, педикюр хизматлари рўйхатида косметолог муолажалари билан боғлиқ эълонларга тез-тез кўзимиз тушмоқда. Терини ортиқча ёғлардан тозалаш, пилинг, юз массажи, лазерли эпиляция, ботокс, мезотерапия каби муолажа турларини таклиф этаётган бундай “иш-билармон”лар хизматидан фойдаланаётган опа-сингилларимиз кам эмас.

Ўз навбатида, сўнгги пайтларда хотин-қизлар юз қисмида ўтказилган айрим амалиётлар нохуш ҳолатларга олиб келаётгани билан боғлиқ мурожаатлар кўпаяётгани бор гап! Юздаги нуқсонларни бартараф этаман, деб косметолог ҳузурига борган, бироқ тузалиш ўрнига қутилмаган муаммони орттириб олган аёлларнинг ижтимоий тармоқлардаги эътирозли чиқишлари ҳам кузатиляпти.

Хўш, ушбу мурожаатлар қанчалик асосли? Ҳақиқий вазият қандай?

Тахлилларга кўра, ҳозир юртимизда 147 та нодавлат тиббиёт ташкилоти тиббий косметология ихтисослиги бўйича фаолият юритиш учун лицензия олган. Худудлар кесимида энг юқори кўрсаткич – Тошкент шаҳрида, яъни 94 та. Энди улар сафига оддий гўзаллик салонлари ҳамда тиббиёт ташкилоти мақомига эга бўлмаган косметология муассасаларини ҳам қўшиб ҳисобласак, бу миқдор янада ортади.

Албатта, опа-сингилларимизга гўзаллик ва саломатлик хизматларини



кўрсатувчи бундай муассасаларнинг кўпайиши қувонарли ҳол. Аммо косметология муолажалари — шифокор томонидан ўтказиладиган, лицензияланадиган фаолият тури! Шунга қарамай, баъзи гўзаллик салонлари, хусусий клиникалар томонидан ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган сертификатлар билан бундай хизматларни кўрсатиш ҳолатлари кундан-кунга кўпайиб бораётгани ачинардидир.

Ўрганишлар давомида аниқланишича, тиббий косметология ихтисослиги бўйича тиббий хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятида юқоридаги келтирилгани сингари нохуш ҳолатлар учрамаган. Ҳуқуқ-тартибот идораларига келиб тушаётган мурожаатлар асосан лицензия ва дипломсиз фаолият олиб бориш натижасида келиб чиққан асоратлар ҳамда ножўя таъсирларга дахлдордир. Сабаби, лицензиясиз ишлаш — сертификатланмаган маҳсулот ва тиббий анжомларни қўллаш, физиология ҳамда анатомия асосларини билмаслиқни англатади.

Оддий гўзаллик салонлари ёки тиббиёт ташкилоти ҳисобланмайдиган турли косметология марказларида тегишли маълумотга эга бўлмаган шахслар тиббий муолажа билан шуғулланаётгани бу муаммоларнинг бош омилидир. Улар тегишли ҳужжатлар асосида косметология хизмати кўрсатувчи яқка тартибдаги

тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳисобдан ўтиб, фаолият олиб бораётган фуқаролардир. Ушбу косметологлар шифокор бўлмаганликлари учун улар фаолиятини назорат қилиш соғлиқни сақлаш органларининг ваколатида эмас.

Шу боис, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш чоралари кўриломқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Тиббий косметологик хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом ва уни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқ ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат асосида давлат тиббиёт муассасалари томонидан алоҳида тиббий косметологик хизматлар кўрсатиш тартиби ҳамда шифокор-косметологларга қўйилган талаблар белгиланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мавҳуд ҳолат ва фуқаролардан бўлаётган мурожаатларни эътиборга олиб, қатъий огоҳлантириш билан чиқди. Тиббий косметология хизматида фойдаланмоқчи бўлсангиз, албатта, тегишли давлат тиббиёт муассасаси ёки шу ихтисослик бўйича тиббий фаолиятга лицензия олган нодавлат тиббиёт ташкилотларига мурожаат қилинг.

Шундай экан, ижтимоий тармоқлардаги сохта косметологлардан эҳтиёт бўлинг! Ўзингиз, оила аъзоларингиз ва яқинларингиз саломатлигини асранг!

Улуғбек СОБИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, трансёллар истеъмоли дунё аҳолиси ўртасида юрак хуружи ва ўлим хавфини оширмоқда. Йилига 278 мингдан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмиши аини шу зарарли “масаллик” билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЗАРАРЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ “ҚОРА РЎЙХАТИ”



Агар сиз ёшаришни, кўринишингиз яхшиланишни хоҳласангиз, ҳар қандай фаст-фуд, чипс, конфетлар, консервалар, майонез ва кетчуп, колбаса ва сосискалар, ширин йогуртлар ва маргаринни таомнома рўйхатидан чиқариб, “қора” рўйхатга киритинг.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

БАДАНТАРБИЯ

ЭРТА ТОНГДА ЮРСАНГ ПИЁДА, УМР ҲАМ, СОҒЛИҚ ҲАМ БЎЛАР ЗИЁДА

Пиёда юриш — жисмоний машқлар орасидаги энг осон ва қулай тури. Юриш саломатлик учун фойдали бўлибгина қолмай, инсоннинг руҳий ҳолатига ҳам ижобий таъсир этади.

Феруза ТОҲИРОВА,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бўлим бошлиғи.

Одам ўзини яхши ҳис қилиши ва ташқи кўринишининг кўркам бўлишида пиёда юришнинг аҳамияти катта. Сабаби, яёв юрганда инсоннинг барча мускуллари ҳаракатга келиб, танада моддалар алмашинуви яхшиланади. Айниқса, эрта тонгда пиёда юриш саломатлик учун жуда фойдали. Чунки бу вақтда ҳаво тоза бўлади, киши кечаси ухлаб, дам олгани сабабидан чарчамасдан 30-40 дақиқа бемалол яёв кезиши мумкин. Қолаверса, кечки пайт ишдан чиққач, имкон бўлса, йўлнинг бир қисmini пиёда босиб ўтиш, руҳиятга тетиклик бахш этиб, кишини тинчлантиради ва чарчоқни олади. Шунингдек, умр давомийлигини узайтиради.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасига кўра, ҳар кун бир ёки ундан ортиқ километр масофани пиёда босиб ўтишга одатланганлар бундай машғулотни хуш кўрмайдиганларга нисбатан 7 йилгача кўпроқ умр кўра экан. Шунингдек, мунтазам пиёда юриш ёшликни узайтиради. Моддалар алмашинувини яхшилайди. Юқори қон босими, қанд миқдорининг баландлиги, ортиқча вазн, асабийлик, турли касалликларга тез чалинувчанлик, бош оғриғи, тез чарчаш... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин ва буларнинг барчасига мунтазам пиёда юриш орқали яхшигина зарба бериш мумкин.

Маблағни тежайди. Бугун юртимизда спорт заллари ва фитнес клублари кўп. Аммо уларга қатнаш учун маблағ керак. Бундан ташқари, велотренажёр сотиб олиб, уйда шуғулланиш учун ҳам пул зарур. Шунчаки пиёда юриш эса йўл-йўлакай ишларни битириш билан бирга, сизни ана шундай харажатлар, энг муҳими, қиммат тиббий муолажалардан халос этади.

Уйқуни яхшилайди, тушқунликдан ҳимоялайди. Асримизнинг қулоқ ёзаётган муаммолари қаторида тушқунлик ва уйқу бузилиши алоҳида ўрин тутди. Уларнинг ҳар иккиси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Мунтазам пиёда юриш ақлий тетиклик билан бирга, жисмоний чарчоққа олиб



келади. Бу эса, ўз навбатида, асабни тинчлантириб, тиниқлиб ухлашга ёрдам беради.

Суякларни мустаҳкамлайди. Қатор суяк касалликлари борки, уларда пиёда юриш нафақат бефойда, балки зарарли ва хавфли ҳамдир. Янги жароҳатлар, артритнинг фаол босқичлари шулар жумласидан. Аммо кўпчилик учун пиёда юриш суякларни мустаҳкамлашдек муҳим ютуқни келтиради. Таянч-ҳаракат тизимининг соғломлиги эса организмдаги жуда кўп муаммоларнинг олдини олади.

Кўриш қобилиятини яхшилайди. Очиқ ҳавода, истироҳат боғларида, кенг далаларда сайр қилаётган инсон иста-

са-истамаса, узоқларга тикилади, турли манзараларни томоша қилади. Пиёда юриш ортидан қон айланиши яхши-ланиши кўзга ҳам ўз таъсири-ни ўтказмай қолмайди.

Касалликларнинг олдини олади. Меъёрида, маълум бир масофага пиёда юришнинг ножўя таъсири йўқ, аксинча, саломатлик учун фойдали жиҳатлари талайгина. Хусусан, яёв кезиш семизлик, юрак-қон томир хасталиклари, ша-моллаш, қандли диабет каби касалликлар ва турли зарарли одатлардан халос бўлишга ёрдам беради.

Шундай экан, пиёда юриш-ни одатга айлантиринг ва доимо соғлом бўлинг.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Ботир ПЎЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти:

– Бир қўйимиз ётиб қолди. Ем, хашак ёйди, лексин тузиб, юра олмайди. Шунга ақиқага сўйсақ бўладими?

ЮРОЛМАЙДИГАН ҚЎЙНИ АҚИҚАГА СЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Йўқ, сиз айтган сифатдаги қўйни ақиқа учун сўйиш мумкин эмас. Чунки ақиқа қилинадиган жонлиққа қўйилган шартлар қурбонлик қилинадиган ҳайвонга қўйилган шартлар билан бир хилдир. Мазкур шартлар ичида қўй ҳеч бўлмаса сўйиладиган жойга юриб бора оладиган даражада соғлом бўлиши лозим. Агар бундай бўлмаса, уни ақиқа ёки қурбонлик максасида сўйиб бўлмайди (“Раддул-муҳтор” китоби асосида).



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 490 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

